



УДК: 796.83.

## ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ ТЕРМА ЖАМОАЛАР ЎСМИР ҚИЛИЧБОЗЛАРИНИНГ ТЕХНИК ТАЙЁРГАРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА ЖАНГОВАР ХАРАКАТЛАРИНИ МУСОБАҚАЛАРДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Тузувчи: ўқитувчи Орипова Мадина Авазжон қизи  
Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети  
Эмаил: [8568797@mail.ru](mailto:8568797@mail.ru)



### Аннотация

Мазкур мақолада Ўзбекистон ва Россия терма жамоалари орасида спортнинг қиличбозлик тури билан машғулот олиб борувчи ёш қиличбозларнинг мусобақа даврида амалга ошираётган техник харакатлари таҳлил қилинган.

**Калим сўз:** Ёш қиличбозлар, техник харакатлар, тезкорлик, жисмоний тайёргарлик.

### Аннотация

В данной статье проанализированы технические действия, выполняемые юными фехтовальщиками, занимающимися фехтованием среди сборных команд Узбекистана и России в течение соревнований.

**Ключевые слова:** Юные фехтовальщики, технические действия, быстрота, физическая подготовка.

### Аннотацию

This article analyzes the technical measures carried out by young swordsmen training with swordsman of the sport among the national teams of Uzbekistan and Russia at the tournament

**Кей word:** Young fencers, technical actions, quickness, physical training.

**Долзарблиги:** Маълумки кўплаб спорт турлари ичидаги қиличбозлик спорт турнир ўзининг мураккаб техник-тактик ҳаракатлари, юқори даражадаги аниқли ва қадимийлиги билан ажралиб туради. Спорт машғулотларини юқори савияда ташкил этиш, машғулот жараёнларини бошқариш ва режалаштириш ва бунинг натижасида иқтидорли ва истиқболи спортчиларни излаб топиш ҳамда саралаш асосида кенг қамровли ишлар амалга ошмоқда. Қиличбозлик спорт тури эса олимпия дастурига киритилган спорт турларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда ёш қиличбозларнинг ўқув-тренировка жараёнини режалаштириш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Шу қаторда ёш қиличбозларнинг мусобақа олди тайёргарликлари жараёнини оптималлаштириш йўлларини аниqlаш зарур.

Кўплаб ривожланган давларлар қаторида юртимиз спортчилари ҳам нуфузли мусобақаларда ўз ўрнини сақлаб келмоқда. Ўзбекистон ва Россия терма жамоалари орасида мамлакатимиз спортчилари ҳар бир мусобақада пешқадамликни эгаллаш мақсадида муваффақиятга эришиш учун тинимсиз машғулотлар олиб боришимоқда. Мусобақа даврида қайд этилаётган натижаларни инобатга олган ҳолда юртимиз



спортчилари билан Ўзбекистон ва Россия давлатлари спортчиларининг ўзаро мусобақа давридаги техник ҳаракатлари таҳлил қилинди ва аниқланган кўрсаткичлар ядқиқот ишимиzinинг долзарблигини ташкил этади.

**Тадқиқот максади:** Юқори малакали ёш қиличбозларнинг техник-тактик ҳаракатларини мусобақа даврида Ўзбекистон ва Россия давлатлари спортчиларининг техник ҳаракатлари натижадорлилиги билан таққослаш орқали ёш қиличбозларнинг хато ва камчиликларини аниқлаш.

**Тадқиқотни ташкил этиш усуллари:** Илмий-услубий адабиётлар таҳлили, математик-статистик таҳлил, педагогик кузатув, педагогик назорат, педагогик тестлаш.

**Тадқиқот натижалари ва муҳокамаси:** Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида юрганишимиш томонида жуда кенг имкониятлар яратиб берилмоқда.<sup>1</sup> Шундай кенг имкониятлардан фойдаланган ҳолда юқори малакали ёш қиличбозларимиз мусобақа шароитида бажараётган техник ҳаракатлари ва натижадорлилигини ошириш учун мусобақа шароитида Россия федерациясининг юқори малакали ёш қиличбозлари билан ўзаро қиёсий таҳлили ўтказилди. Дастребаки кузатув жараёнида ўрганилган ҳаракатлар қарши хужум техникасини таҳлил қилишдан иборат бўлди.

## 1-жадвал.

### Ўзаро хужумлар ҳажмининг индивидуал кўрсаткичлари

#### Россия ва Ўзбекистон о‘смирлар терма жамоалари қиличбозлари билан жангларда

| №           | Спортчи<br>Ф.И.Ш. | Қарши хужум секторлари (%) |                        |        |       |         |       |
|-------------|-------------------|----------------------------|------------------------|--------|-------|---------|-------|
|             |                   | Қолга                      |                        | Танага |       | Маскага |       |
|             |                   | Ҳажми                      | Самарадорлик<br>(СМРД) | Ҳажми  | СМРД  | Ҳажми   | СМРД  |
| 1           | Т.К.              | 41,24                      | 83,26                  | 18,84  | 86,64 | 8,76    | 95,35 |
| 2           | П.Н.              | 29,63                      | 91,16                  | 3,19   | 75,65 | 3,15    | 15,91 |
| 3           | Т.А.              | 17,58                      | 86,31                  | 4,27   | 79,14 | 6,21    | 28,11 |
| $\bar{x}$   |                   | 29,48                      | 86,91                  | 7,34   | 54,10 | 3,97    | 37,09 |
| $\pm\sigma$ |                   | 11,83                      | 3,98                   | 10,08  | 47,17 | 4,44    | 51,08 |
| П<          |                   | 0,05                       |                        | 0,05   |       | 0,05    |       |

Ўрганилган кузатув натижалари шуни кўрсатмоқдаки Россия федерацияси терма жамоаси вакилларидан бири Т.К нинг қарши хужумга ўтиш хатти-харакатларида қўлга бериладиган зарбалари ҳажми 41,24% ни ташкил этган бўлса

<sup>1</sup> O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Qarori, 03.06.2017 yildagi PQ-3031-son



ушбу ҳаракат самарадорлилиги 83,26% га тенг бўлди. Танага берилаётган зарбалар аниқлиги бўйича олнган натижаларга кўра ҳажм 18,84% ни, смарадорлик кўрсаткичи 86,64% ни ташкил қилди. Т.К нинг маскага йўллаган зарбалари ҳажми 8,76% ни ташкил этди ва ушбу кўрсаткич самарадорлилиги 95,35% га тенг бўлди. Бундан кўриниб турипдик Россия федерацияси аъзосининг техник ҳаракатлари мусобақа жараёнида кўл ва танага қараганда бошга (маскага) берадиган зарбалари самарадорлилиги юқори даражада эканлиги аниқланди (1-жадвалга қаранг).

Навбатдаги спортчи П.Н ҳам Россия федерацияси терма жамоаси аъзоси бўлиб унинг мусобақа даврида амалга ошираётган ҳаракатлари ўрганиб чиқилганда қарши хужум самарадорлиги қўлга берилаётган зарбаларда 91,16% ни ташкил этди. Қарши хужум ҳаракати ҳажми эса 29,63% га тенг бўлди. Ушбу спортчининг танага бераётган зарбалари ҳамжи 3,19% ни, смарадорлик кўрсаткичи эса 75,65% га тенг эканлиги аниқланди. Башга (маскага) берилган зарбалар ўртача ҳажми 3,15% ни, мазкур зарбалар самарадорлилиги эса 15,91% ни ташкил этиб мусобақа даврида қарши хужум ҳаракатлари техникасини намойиш этди. Кузатувлар якуни ва аниқланган кўрсаткичларга кўра П.Н нинг қарши хужум техникаси самарадорлилиги қўлга берилган зарбаларда юқори эканлиги аниқланди.<sup>2</sup>

Россия федерациясининг З-иштирокчиси Т.А томонидан бажарилган қарши хужум техникаси ўрганиб чиқилганда қўлга берилаётган зарбалар ҳажми 17,58% ни, ушбу ҳаракат самарадорлилиги 86,31% ни қайд этди. Танага берилган зарбалар ҳажми 4,47%, смарадорлик кўрсаткичи 79,14% ни ташкил этди. Маскага берилган зарбалар техникаси жиҳатидан олинган ҳажм 6,21% ни, ушбу зарбалар самарадорлилиги 28,11% ни ташкил қилди. Ушбу спортчининг ҳам қарши хужумдаги устувор томони қўлларга берилган зарбаларга қаратилгани аниқланди. Олинган ҳар уччала спортчиларнинг қарши хужум техникаси юзасидан олинган кўрсаткичлар ҳажми умумий  $29,48 \pm 11,83$  ни, ушбу кўрсаткичлар самарадорлилиги эса  $86,31 \pm 86,91$  ни ташкил этди. Натижаларнинг математик статистик кўрсаткичи  $P<0,05$  га тенг бўлди.

Юқори малакали ёш қиличбозларнинг техник-тактик маҳоратини такомиллаштириш ва кузатувлар давомида аниқланган камчиликларини бартараф этиш орқали юқори натижаларни қўлга киритиб бориш кўзда тутилган олий мақсадларимиздан бири десак муболаға бўлмайди.

2-жадвалда қайд этилган кўрсаткичлар эса Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларининг мусобақа даврида қарши хужум техникасини кай даражада самарали намойиш эта олишлари ўрганиб чиқилган.

Ёш қиличбозларнинг техник маҳорат кўрсаткичлари ҳар бир мусобақа фаолияти давомида аста секинлик билан юксалиб бориши ҳечбиримизга сир эмас. Биз томонимиздан олиб борилаётган ушбу тадқиқот амалиётида ёш қиличбозларнинг техник-тактик маҳоратларини янада такомиллаштириш ва улардаги хато ва

<sup>2</sup> Бондарчук А.П. Периодизация спортивной тренировки. – Киев: Олимпийская литература, 2005. – 303 с.



камчиликларни аниқлаб уларни бартараф этиш чора тадбирларини юқори малакали мураббийлар билан ишлаб чиқш назарда тутилади.

**2-жадвал.**

**Ўзбекистон қиличбозларининг жангларида қарши ҳужумларни амалга оширишда таъсирланган сирт соҳаларига зарба бериш кўрсаткичлари (%)**

| № | Спортч иФ.И.Ш . | Қарши ҳужум секторлари (%) |                        |        |       |         |       |
|---|-----------------|----------------------------|------------------------|--------|-------|---------|-------|
|   |                 | Қолга                      |                        | Танага |       | Маскага |       |
|   |                 | Ҳажми                      | Самарадорлик<br>(СМРД) | Ҳажми  | СМРД  | Ҳажми   | СМРД  |
| 1 | М.Ш.            | 24,18                      | 10,48                  | 13,18  | 25,44 | 25,63   | 73,45 |
| 2 | Д.Ж.            | 35,75                      | 80,14                  | 8,19   | 75,36 | 11,07   | 81,73 |
| 3 | Р.Б.            | 44,17                      | 43,13                  | 7,17   | 68,91 | 9,81    | 77,08 |
|   | $\bar{x}$       | 34,7                       | 44,58                  | 7,12   | 33,6  | 12,23   | 51,73 |
|   | $\pm\sigma$     | 10,04                      | 34,85                  | 6,65   | 38,34 | 12,85   | 44,99 |
|   | П<              |                            | 0,05                   |        | 0,05  |         | 0,05  |

Ўзбекистон терма жамоаси фасида юртимиз шарафини муносиб қилиб келаётган ёш қиличбозларимизнинг мусобақа даврида амалга оширадиган қарши ҳужум техникаси қай даражада аниқ эканлиги кузатувларимиз давомида ўрганиб чиқилди. Дастребки терма жамоамиз аъзоси М.Ш дан олинган кўрсаткичлар мусобақа даврида қўлга бериладиган зарбалар аниқлиги ҳажми 24,18% ни, ушбу ҳаракат самарадорлилиги эса 10,48% ни ташкил этди. Ушбу спортчининг танага бераётган зарбалари ҳамжи 13,18% ни, самарадорлик кўрсаткичи эса 25,44% га teng эканлиги аниқланди. Башга (маскага) берилган зарбалар ўртача ҳажми 25,63% ни, мазкур зарбалар самарадорлилиги эса 73,45% ни ташкил этиб мусобақа даврида қарши ҳужум ҳаракатлари техникасини намойиш этди. Яқуний кўрсаткич самарадорлилиги М.Ш да бошга (маскага) берилган зарбаларида аниқ эканлиги қайд этилди (2-жадвалга қаранг).

Терма жамоамиз вакили Д.Ж. нинг қарши ҳужумга ўтиш хатти-харакатларида қўлга бериладиган зарбалари ҳажми 35,75% ни ташкил этган бўлса ушбу ҳаракат самарадорлилиги 80,14% ga teng бўлди. Танага берилаётган зарбалар аниқлиги бўйича олнган натижаларга кўра ҳажм 8,19% ни, самарадорлик кўрсаткичи 75,36% ni ташкил қилди. Д.Ж. нинг маскага йўллаган зарбалари ҳажми 11,07% ni ташкил этди ва ушбу кўрсаткич самарадорлилиги 81,73% ga teng бўлди. Бундан кўриниб турипдики Д.Ж. нинг техник ҳаракатлари мусобақа жараёнида маскага ва танага нисбатан қўлга берадиган зарбалари самарадорлилиги юқори даражада эканлиги аниқланди (2-жадвалга қаранг).<sup>3</sup>

Қарши ҳужум техник ҳаракатлари ёш терма жамоа аъзоси Р.Б. нинг мусобақа фаолиятида амалга оширган ҳаракат реакцияси қўлга йўналтирилган зарбаларда ўртача ҳажм 44,17% ni қайд этилди. Самарадорлик кўрсаткичи эса 43,13% ga teng

<sup>3</sup> Платонов В.Н. Периодизация спортивной тренировки. Общая теория и ее практическое применение / В.Н. Платонов. – К.: Олимпийская литература, 2014. – 624 с.



бўлгани аниқланди. Танага берилган зарбаларда ўртача ҳажм 7,17% ни, самарадорлик эса 68,91% ни кўрсатди. Маскага йўналтирилган зарбалар ҳажми 9,81% ни, самарадорлик 77,08% ни ташкил этди. Ҳаракат реакцияси кўрсаткичи Р.Б. да маскада бериладиган зарбаларда яхши такомиллашгани аниқланди. Бундан кўриниб турипдик ёш терма жамоамиз аъзоларининг маскага берган зарбалари ўртача ҳажми  $12,23 \pm 12,85$  ни, самарадорлик эса  $51,73 \pm 44,99$  га тенг эканлиги аниқланди. Натижаларнинг статистик кўрсаткичи  $P < 0,05$  га тенг бўлди.

Юқори малакали ёш қиличбозларнинг мусобақа фаолиятидаги химояланиш техник-тактик харакатлари ўрганиб чиқилганда Россия федерацияси терма жамоаси аъзоларини химоя харакати реакциялари турлича техник усуллар орқали ижро этилди. Мусобақа фаолиятидаги химоя харакатлари кўрсаткичлари ҳар бир спортчининг техник-тактик маҳоратига боғлиқ равишда намоён болади. Ёш қиличбозларнинг жисмоний имкониятлари уларнинг қай даражада юқори бўлса ғалаба қозониш имконияти ҳам шунчалик баланд бўлиши марчамизга маълум.

Ёш қиличбозларнинг мусобақа давридаги химоя харакатлари ўрганиб чиқилганда Россия федерацияси вакили Т.К нинг мусобақа давомида қўлга берилган зарбалардан химояланиш ҳажми 39,44% ташкил этган бўлса ушбу ҳаракат самарадорлилиги 88,41% га тенг бўлди. Танага берилган зарбалардан химояланиш ҳажми эса 32,63% ни, самарадорлик кўрсаткичи 76,21% ни ташкил этди. Унинг жанг муобайнидаги босга берилган зарбалардан химояланиш техник ҳажми 10,07% ни, ушбу ҳаракат самарадорлилиги 81,29% ни ташкил этиб химояланиш техник харакатларини якунлаб берди. Бундан кўриниб турипдик Т.К. нинг химояланиш харакатлари самарадорлилиги қўлга берилган зарбаларни қайтаришда нисбатан ривожланганлиги аниқланди (З-жадвалга қаранг).

### З-жадвал.

**Россия қиличбозларининг жангларида химоя харакатларини амалга ошириш кўрсаткичлари (%)**

| №           | Спортчи Ф.И.Ш. | Химоя секторлари (%) |                     |        |       |         |       |
|-------------|----------------|----------------------|---------------------|--------|-------|---------|-------|
|             |                | Қолга                |                     | Танага |       | Маскага |       |
|             |                | Ҳажми                | Самарадорлик (СМРД) | Ҳажми  | СМРД  | Ҳажми   | СМРД  |
| 1           | Т.К.           | 39,44                | 88,41               | 32,63  | 76,21 | 10,07   | 81,29 |
| 2           | П.Н.           | 37,15                | 82,43               | 30,71  | 86,47 | 21,99   | 91,06 |
| 3           | Т.А.           | 41,76                | 60,02               | 10,94  | 67,42 | 31,78   | 76,11 |
| $\bar{x}$   |                | 36,95                | 78,26               | 15,01  | 49,28 | 9,21    | 41,67 |
| $\pm\sigma$ |                | 10,19                | 6,07                | 9,69   | 27,15 | 2,04    | 36,85 |
| $P <$       |                | 0,05                 |                     | 0,05   |       | 0,05    |       |



Россия терма жамоаси валики П.Н. нинг жанг давомидаги химояланиш ҳаракатлари эса қуидагича бўлди: қўлга берилган зарбалардан химояланиш ҳажми 37,15%, смарадорлик кўрсаткичи 82,43%. Танага берилган зарбалардан химояланиш ҳажми 30,71%, смарадорлик кўрсаткичи 86,47%. Маскага берилган зарбалардан химояланиш ҳажми 21,99%, смарадорлик кўрсаткичи эса 91,06% ни ташкил этди. Демак П.Н.нинг химояланиш ҳаракатлари смарадорлилик кўрсаткичи маскага берилган зарбаларни қайтаришда юқори эканлиги маълум бўлди.

Ушбу юрт спортчиларидан бири Т.А. нинг жанг давомидаги химоя ҳаракатлари ҳам бир мунча ноодатий эканлиги аниқланди. Т.А.нинг химоя ҳаракатлари қўлга берилган зарбаларни қайтариш ҳажми 41,76% ни ташкил этган бўлса ушбу ҳаракат смарадорлилиги 60,02% га teng бўлди. Танага берилган зарбаларни қайтариш ҳажми 10,94% ни ва смарадорлик кўрсаткичи 67,42% ни қайд этди. Т.А.нинг маскага берилган зарбаларни қайтариш техник ҳажми 31,78% га teng бўлиб мазкур ҳаракат смарадорлилиги 76,11% га teng эканлиги аниқланди. Умумий хулоса эса ушбу спортчида химоя ҳаракатлари маскага берилган зарбаларни қайтаришда юқори эканлиги аниқланди. Россия федерацияси терма жамоа аъзолигидаги ёш қиличбозларнинг химояланиш техник ҳаракатлари давомида қўлга берилган зарбалар ҳажми умумий  $36,95 \pm 10,19$  ни, ушбу ҳаракат смарадорлиги эса  $78,26 \pm 6,07$  ни ташкил этди, танага берилган зарбалардан химояланиш ҳажми  $15,01 \pm 9,69$  ни, смарадорлик кўрсаткичи  $49,28 \pm 27,15$  ни. Маскага берилган зарбалардан химояланиш ҳажми  $9,21 \pm 2,04$  га, смарадорлик кўрсаткичи эса  $41,67 \pm 36,85$  га teng эканлиги аниқланди ҳамда умумий химоя ҳаракатлари статистикаси  $P < 0,05$  ни ташкил этди.<sup>4</sup>

#### 4-жадвал.

**Ўзбекистон қиличбозларининг жангларида химоя ҳаракатларини амалга ошириш кўрсаткичлари (%)**

| № | Спортч иФ.И.Ш . | Химоя секторлари (%) |                       |        |       |         |       |
|---|-----------------|----------------------|-----------------------|--------|-------|---------|-------|
|   |                 | Колга                |                       | Танага |       | Маскага |       |
|   |                 | Ҳажми                | Смарадорлик<br>(СМРД) | Ҳажми  | СМРД  | Ҳажми   | СМРД  |
| 1 | М.Ш.            | 62,11                | 22,68                 | 25,88  | 96,11 | 45,71   | 77,14 |
| 2 | Д.Ж.            | 33,19                | 92,46                 | 19,57  | 66,09 | 88,29   | 27,63 |
| 3 | Р.Б.            | 36,52                | 74,16                 | 48,32  | 61,98 | 19,26   | 82,91 |
|   | $\bar{x}$       | 25,17                | 37,41                 | 44,16  | 36,54 | 24,55   | 63,14 |
|   | $\pm\sigma$     | 9,62                 | 12,01                 | 10,32  | 22,91 | 8,33    | 28,92 |
|   | $P <$           | 0,05                 |                       | 0,05   |       | 0,05    |       |

<sup>4</sup> Спортивное фехтование: учебник для вузов физической культуры / под общ. ред. Тышлера Д.А. – М.: Спорт, образование, наука, 1997. – 386 с.



Химояланиш техник-тактик ҳаракатлари юртимиз терма жамоа азолари жангларида ҳам таҳлил қилинганды қуидаги натижалар қайд этилди: ёш терма жамоа аъзоси М.Ш.нинг кўлга берилган зарбалардан химояланиш ҳаракатлари ҳажми 62,11% ни, ушбу ҳаракат самарадорлилиги 22,68% га тенг бўлганлиги аниқланди. Бу натижадан шуни англаш мумкунки спортчининг химоя ҳаракатларини янада ривожлантириш лозим. М.Ш. нинг танага берилган зарбалардан химояланиш ҳажми 25,88% ни, самарадорлик кўрсаткичи 96,11% ни ташкил этди ва бу ёш қиличбозимизда танага берилган зарбалардан химояланиш реакцияси бирмунча юқори эканлигидан далолат беради. Маскага берилган зарбалардан химояланиш ҳажми ўртacha 45,71% ни, самарадорлик кўrсаткичи 77,14% ни ташкил қилди (4-жадвалага қаранг).

Ёш терма жамоа аъзоси Д.Ж.нинг химоя ҳаракатлари кўлга берилган зарбаларни қайтариш ҳажми 33,19% ни ташкил этган бўлса ушбу ҳаракат самарадорлилиги 92,46% га тенг бўлди. Танага берилган зарбаларни қайтариш ҳажми 19,57% ни ва самарадорлик кўrсаткичи 66,09% ни қайд этди. Д.Ж.нинг маскага берилган зарбаларни қайтариш техник ҳажми 88,29% га тенг бўлиб мазкур ҳаракат самарадорлилиги 27,63% га тенг эканлиги аниқланди. Д.Ж. қайд этган химоя ҳаракатларида шу аниқландики кўлга берилган зарбалардан химояланиш самарадорлилиги ижобий даражада ривожланиб келмоқда.

Химояланиш техник ҳаракатларини ёш терма жамоа аъзоси Р.Б. нинг мусобақа фаолиятида амалга оширган ҳаракат реакцияси шуни кўrсатадики кўлга йўналтирилган зарбалардан химояланиш ўртacha ҳажм 36,52% ни қайд этди. Самарадорлик кўrсаткичи эса 92,46% га тенг бўлгани аниқланди. Танага берилган зарбалардан химояланишнинг ўrтacha ҳажм 19,57% ни, самарадорлик эса 66,09% ни қайд этди. Маскага йўналтирилган зарбалардан химояланиш ҳажми 19,26% ни, самарадорлик 82,91% ни ташкил этди. Ҳаракат реакцияси кўrсаткичи Р.Б. да маскада бериладиган зарбалардан химояланишда яхши такомиллашгани аниқланди. Бундан кўриниб турипдикি ёш терма жамоамиз аъзоларининг умумий химоя ҳаракатлари кўлга берган зарбалардан химояланиш ўrтacha ҳажми  $25,17 \pm 9,62$  ни, самарадорлик эса  $37,41 \pm 12,01$  га тенг эканлиги аниқланди. Танага берилган зарбалардан химояланиш ҳажми  $44,16 \pm 10,32$  ни, самарадорлик кўrсаткичи  $36,54 \pm 22,91$  га тенг эканлиги аниқланди. Маскага берилган зарбалардан химояланиш ўrтacha ҳажми  $24,55 \pm 8,33$  ни ва ушбу ҳаракат самарадорлилиги  $63,14 \pm 28,92$  га тенг эканлиги аниқланди. Натижаларнинг статистик кўrсаткичи  $P < 0,05$  га тенг бўлди.

## ХУЛОСА

Ҳар икки давлатлар терма жамоа аъзоларининг қарши ҳужум техник ҳаракатлари ўрганиб чиқилганда қуидагича хulosага келиш мумкун:

- Россия ва Ўзбекистон ўсмирлар эркаклар терма жамоалари а'золарининг сабляда техник-тактик кўrсаткичларини таҳлил қилиш рақобатбардош амалиётда



жанговор ҳаракатлар турларининг тахминан бир хил нисбатини кўрсатади. Ҳужум бошқа кураш воситаларига нисбатан энг кенг қўлланилади. Ҳужумкор ҳаракатларнинг жангларнинг умумий муваффақиятига қўшган хиссаси руслар (72,56%) ва ўзбек спортчилари (70,52%) орасида энг муҳим ҳисобланади. Аммо россиялик спортчиларда ҳужумларнинг самарадорлиги ўзбек қиличбозларидан фарқли ўлароқ (66,1%) юқори даражада қайд этилди (57,47%).

- Қўлга берилган зарбалар ҳажмини камайтирган ҳолда самарадорлик кўрсаткичини оширишга эътибор қаратилмаган.

- Танага берилган зарбаларда самарадорлик кўрсаткичи паст даражада.

- Маскага йўналтирилган зарбаларда ҳажмга нисбатан самарадорлик кўрсаткичи паст.

- Батманга қарши ҳужумларни машқ қилиш ва қўллаш, асосан, рақибларга қарши ҳужумда узоқ тайёргарлик билан яқинлашадиган ҳолатларда, ниқобга (чап томонга) уриш билан тўртинчи алоқада самарали бўлади.

- Химоя ҳаракатларида Ўзбекистон ва Россия давлатларининг ёш терма жамоа аъзоларига нисбатан юртимиз терма жамоаси аъзоларининг химоя ҳаракатлари нисбатан фарқли эканлиги аниқланди.

- Химоя ҳаракатларини такомиллаштириш юзасидан маҳсус жисмоний тайёргарлик машғулотларини тақрорийлигини таминлаш зарур.

Миллий терма жамоамиз аъзоларининг қарши ҳужум техник ҳаракатларини ҳамда химояланиш ҳаракатларини тубдан такомиллаштириш юзасидан машғулот жараёнларини ноананавий усул ва воситалардан фойдаланган ҳолда ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Бондарчук А.П. Периодизация спортивной тренировки. – Киев: Олимпийская литература, 2005. – 303 с.

2. Матвеев Л.П. Общая теория спорта и ее прикладные аспекты: учебник для вузов физической культуры / Л.П. Матвеев. – 5-е изд., испр. и доп. – М.:Совецкий спорт, 2010. – 340 с.

3. Мовшович А.Д. Фехтование. Начинающему тренеру. – М.: Академический Проект, 2011. – 111 с.

4. Мовшович А.Д. Фехтование на рапирах. Техника, тактика, тренировка. – М.: Информационные технологии, 2019. – 107 с.

5. Платонов В.Н. Периодизация спортивной тренировки. Общая теория и ее практическое применение / В.Н. Платонов. – К.: Олимпийская литература, 2014. – 624 с.



6. Спортивное фехтование: учебник для вузов физической культуры / подобщ.ред. Тышлера Д.А. – М.: Спорт, образование, наука, 1997. – 386 с.
7. Турецкий Б.В. Обучение фехтованию / Б.В. Турецкий. – М.: Академический Проект, 2007. – 430 с.

